

Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталик учун курашнинг глобал муаммолари

**Фарғона давлат университети доценти,
т.ф.н. А. Салмонов**

Халқаро вазиятнинг бугунги кундаги кескин ўзгариб бориши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиб бориши, ер куррасининг турли ҳудудларида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” номли рисоласи бугун инсонпарвар, маърифатпарвар, тараққийпарвар кишиларнинг, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ўзбекистон мустақилликка эришган кунларданоқ “Тинчлик учун курашмоқ керак” деган машхур шиорни илгари сурди ва бунинг учун тинимсиз курашиб дунёнинг йирик давлат арбоблари, таниқли сиёсатчилари, дунё тан олган машхур олимлар, адабиёт, санъат ходимларининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. “Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир”¹ деган сиёсатни исчиллик билан олиб бормоқда. И.А.Каримов шу нуктаи назардан дунёнинг нуфузли сиёсий экспертлари ва таниқли олимлари юртбошимизни ўз юрти, мамлакатининг мустақиллиги ва тараққиёти учун курашган Махатма Ганди, Жамол Абдул Носир, Де-Голь, Жавоҳарлал Неру, Ахмад Бембелла каби буюк шахслар қаторида эътароф этаётганлиги бежиз эмас. Ўзининг юрти, Ватани, халқининг соғ-саломатлиги, тинч-осойишта, ҳаёти юртбошимизнинг оқилона раҳбарлиги ва раҳнамолиги билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақиқатни она заминимизда яшаётган ёшу-қари бирдай ғурур ва ифтихор билан қалбидан ўтказди. Зеро, “Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик – Ўзбекистон давлатининг учта устунидир”² дейди Ислом Каримов.

“Ўзбекистон халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласида баён этилган ғоя ва сиёсий платформа (малаги) да Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсати фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонуни ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 9 май куни хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси ўрин олган.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган маросимда И.А.Каримов иккинчи жаҳон уруши қолдирган мудҳиш оқибатлар ҳақида тўхталиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак. Кўпни кўрган афғон халқининг бошига тушган бундай офатни ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмасин. Шундан огоҳ бўлиш, шундан хулоса чиқариш зарур, деб

¹ Ислом Каримов. Ватан ва халқ мангу қолади. Т. 2010, 25- бет.

² Уша асар 28-бет

таъкидлади, Президентимиз, бугунги кунда дунёда тинчлик барқарорликка раҳна солувчи кучларга барҳам беришнинг ва Афғонистон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли – сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, карама-қарши кучларини музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келишдир. Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ, деди мамлакатимиз раҳбари. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли харбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг Ташқи сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- Кимнингдир “ўйин” ларига қўшилмаслик;
- Қўшинларимиз билан тинч-осойишта яшаш;
- Эл юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш;
- Яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Буларнинг барчаси 2012 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Ташқи сиёсий фаолияти концепциясида ўз ифодасини топган. Афғонистон билан ўрнатилган ташқи сиёсат ҳам шу концепцияга асосланади.

Президентимиз рисоласи ва унда илгари сурилган тинчлик ва осойишталик сиёсатини жаҳон жамоатчилиги зўр қизиқиш ва мамнуният билан қабул қилмоқда. Дарҳақиқат, Ислом Каримов республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок дунёда, минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашиб келмоқда. Бунинг ёрқин исботини тарихий ҳақиқат кўрсатиб турибди:

- 1993 йил 28 сентябрда БМТ бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон Можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди. Шу сессиясида мамлакатимиз Президенти Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббус тез орада Марказий Осиё давлатлари томонидан қабул қилинди;
- 1995 йилда БМТ бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўшиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;
- Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1997 йил 15 сентябрда Тошкентда “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзусида Халқаро конференция чақирилди ва шартномани тайёрлаш учун Минтақавий экспертлар гуруҳи (МЭГ) тузилди; ҳал этиш учун “6+2” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди ва 1997 йили мазкур гуруҳнинг ташкилий учрашуви бўлиб ўтди;

- 2001 йилда И.А.Каримов БМТ бош котибига йўллаган мурожатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТ нинг хавфсизлик кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;
- 2008 йилда НАТО нинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди. Буларнинг барчаси Марказий Осиёда, шунингдек дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш мақсадларига қаратилган эди.

И.Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва осойишталик керак” номли рисоласида Афғонистондаги можароларни тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги концепцияси жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари томонидан юқори баҳоланмоқда. Уларнинг баъзи бирларини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ;

Нью-Йорк университети профессори П.Морвиж И.А.Каримовнинг сиёсий портретини қуйидагича изоҳлайди: “Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги (Афғонистон) сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбаридир деб қабул қилиш ўринлидир.”. Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларини музокоралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларни янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликни қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди. П.Морвиж.

Юрбошимизнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг бирдан – бир тўғри, адолат ва ҳақиқат тарозисида обдон ўлчанилган сиёсий йўлини кўзга кўринган сиёсатчи эксперт ва олимлар: АҚШнинг Корнеги фонди эксперти М. Олкотт, Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс, Хитой Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан, Япония шарқий тадқиқотлари институти директори У. Магосакин, Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хакамада, Малайзия собиқ ташқи ишлар вазири ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай, шу мамлакатлик, эксперт ва профессор Зулфиқли Ҳожи Сентери, Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И. Стецсенко кабилар қўллаб – қувватлаб, бу сиёсий йўлни маъқулладилар.

Республикамиз раҳбари “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” деган концепцияга асосланган сиёсий йўлни 2013-йил 13 сентябрь куни Бишкекда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) мажлисида сўзлаган нутқида ҳам қабътий ва ишончли тарзда такидлади.

Президентимиз асослаб берган сиёсий йўлнинг энг муҳим жихати шундаки, ўз халқининг хоҳиш-иродасига таянган ҳолда истиқлолигимизнинг дастлабки кунлариданоқ марказий Осиёда ва бутун жаҳонда тинчликни мустахкамлаш, ижтимоий – сиёсий тузилишидан қабътий назар барча мамлакатлар, айниқса қўшни давлатлар билан тенг

хуқуқли, дўстона алоқаларни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

И.А. Каримов жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир муҳим ва қалтис масалага қаратди. Яна бир бор таъкидламоқчиман, деди Президент, бугун турли сиёсатчилар, кузатувчилар Афғонистон заминида тинчлик ўрнатишнинг қарама- қарши кучлар ўртасида ўзаро келишиш, ўзаро мулоқотни йўлга қўйишдан бошқа йўл йўқ эканини баралла айтмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, қандай қийин бўлмасин, орада қанча алам, адоват ўтган бўлмасин, бундай кучларни бир жойга йиғиб, бу масаланинг ечими сизларнинг қўлингизда, урушни тўхтатишнинг барибир бошқа йўли йўқ, деб бутун жаҳон ҳамжамияти, биринчи навбатда қудратли давлатлар мана шу позицияда қатъий турса, мен ишонаман муаммонинг ечими топилади.

Аммо соғлом ақл ва мулоҳазага зид равишда НАТО кучлари АҚШ, Европа давлатларининг раҳбарлари Афғонистондаги мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЭФ яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган Ҳарбий қўшинини Афғонистондан олиб чиқишни режалаштиримоқда. Хозирдан бошланган бундай сиёсий хатти – ҳаракатни қанчалик хавфли эканлигини И.А. Каримов очик – ойдин, ҳолисона баҳолаб берди. Минг афсуски, деди мамлакатимиз раҳбари, бу ўзгаришдан кейин Афғонистонда ўзаро қарама – қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол- яроқ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низолар кучайиб боришининг хавфи ортади. Бундай қалтис сиёсий йўлнинг қандай оқибатларга олиб келганлиги тарих сабоқларидан маълум, улар ҳамма даврларда салбий натижа билан якунланган.

Дунёда айниқса Марказий Осиёда тинчлик ва осойишталик учун курашнинг тарафдори ва етакчиси бўлган Президентимиз Ўзбекистонда, шунингдек Марказий Осиёда тинчликни сақлашнинг гарови, бу “Афғонистондаги вазият тўлиқ ҳал қилинмасдан туриб коалиция кучларининг бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиёда кескинликни янада оширади. Бунинг оқибатида минтақа давлатлари учун хавф – хатар ортиши мумкин. Бу ҳақда мен ғоят ташвишланиб, афсус билан гапиряпман. Бу ҳаёт ҳақиқати, ундан ҳеч қасрга қочиб бўлмайди” деб уқтиради.

Хулоса қилиб айтганда, даврон кунлар, тинч осуда ҳаётнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб – авайлаш барчанинг долзарб вазифасига айланиб бормоқда.